

Фикҳ дарслари (60-дарс). Академиянинг асосий ҳайъати



18:05 / 21.11.2019 3326

Устоз Доктор Ҳусайн Ҳомид Ҳассон – академия раиси;

Устоз Доктор Али Солус – академиянинг аввалги раиси;

Устоз Доктор Ваҳба Зуҳайлий – академия раисининг 2-ноиб;

Устоз Доктор Салоҳ Совий – академиянинг бош котиби.

Аmmo академиянинг доимий аъзолари кунлик ҳолатларни ҳисобга олиб, академиянинг таъсис йиғинини ўтказадилар. У беш аъздан кам бўлмаслиги керак. Албатта, фатво чиқариш кўпчиликнинг овози билан амалга оширилади.

У қуйидаги олимлардан ташкил топган.

– Доктор Салоҳ Совий – Азҳар, Уммулқуро дорилфунуни устози, Вашингтондаги Араб ва исломий илмлар институтининг собиқ устози ҳамда «Америка очик университети»нинг раис ўринбосари.

– Доктор Иброҳим Кулайб – Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг ҳадис илми устози.

– Доктор Ҳусайн Шаввот – «Америка очик университети»нинг ҳадис илми устози.

- Доктор Юсуф Шубайлий – Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг фиқҳ устози.
- Доктор Фуад Ғунайм – Виржинадаги Исломий ва Арабий илмлар институтининг исломий тадқиқотлар қисми раиси.
- Доктор Холид Билонканшиб – Филадельфиядаги Тумбел университетининг исломий тадқиқотлар қисми раиси.
- Доктор Аҳмад Шулайбик – Жоржия штатидаги Жаннат номли масжид имоми ва Виржинадаги «Америка очиқ университети»нинг исломий фиқҳ устози.
- Доктор Аҳмад Суҳайб Ҳасан – Британиядаги Қуръони Карим жамияти раиси ҳамда исломий шариат йиғини котиби.

Доимий фатво ҳайъатининг маслаҳатчилари:

- Устоз Доктор Ҳусайн Ҳомид Ҳассон – Исломободдаги Бутун дунё исломий университетининг раиси ва шаръий тафтиш комиссияси қошидаги тўртта исломий банк раиси.
- Устоз Доктор Али Аҳмад Солус – Қатардаги шариат факультетида фиқҳ ва усул фанидан устоз ва Ислом конференцияси ташкилотига қаршли фиқҳий академиянинг фиқҳ ва иқтисод мутахассиси.
- Устоз Доктор Абдуллоҳ Муслиҳ – Риёздаги имом Муҳаммад ибн Сауд университетининг фиқҳ устози ва Саудиядаги тижорат билан шуғулланувчи «Аҳлий банк»нинг шаръий тафтиш ҳайъати аъзоси.
- Устоз Доктор Аҳмад Али Тоҳа Раййон – Азҳар университетидеги шариат ва қонун факультетининг собиқ мудир ва фиқҳнинг қиёсий солиштирув қисми раиси ҳамда вақф ишлари бўйича вазирлик қошидаги Исломий Фиқҳ Қомусининг раиси.
- Устоз Доктор Ваҳба Мустафо Зухайлий. Дамашқдаги университетнинг олий ўқув қисмида устоз, Робитатил Оламий Исломий қошидаги фиқҳий академия ҳамда Ислом Конференцияси Ташкилоти қошидаги фиқҳий академия аъзоси.
- Устоз Доктор Муҳаммад Раъфат Усмон – Фиқҳнинг солиштирув соҳасида устоз, Азҳар университетининг шариат ва қонун факультетининг собиқ мудир.

- Устоз Доктор Умар Ашқар - Иорданиядаги университетнинг шариат факультетининг фикҳ ва ақийда устози.
- Хуффоз Сано Маданий - Лоҳурнинг исломий университетидаги ҳадис устози ҳамда Лоҳурдаги «Ансорус-сунна» марказининг фатво ҳайъати раиси.
- Устоз Доктор Ужайл Нашмий - Қувайт университетининг шариат факультети собиқ мудир.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан